

## ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МАРКАЗНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Алимардонов Элишод Дилшодович,*  
и.ф.н., доцент, Халқаро молия-кредит кафедраси,  
Тошкент молия институти Тошкент, Ўзбекистон.

Почта: [alimardonov\\_elshod@inbox.ru](mailto:alimardonov_elshod@inbox.ru)

ORCID ID: 0000-0002-3538-0045

## OPPORTUNITIES OF FORMING AN INTERNATIONAL FINANCIAL CENTER IN UZBEKISTAN

*Alimardonov Elshod Dilshodovich,*  
PhD, Associate Professor, Department "International Finance  
and Credit", Tashkent Financial Institute, Tashkent,  
Uzbekistan. Mail: [alimardonov\\_elshod@inbox.ru](mailto:alimardonov_elshod@inbox.ru)  
ORCID ID: 0000-0002-3538-0045

### **JEL Classification:** G1,G2

**Аннотация.** Мақолада Тошкент шаҳрини юқори технологик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, банк, молия, сугурта ва бошқа замонавий хизматлар кўрсатадиган йирик халқаро марказга айлантириш зарурати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўрсатмаси берилган.

Хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий ишларида "халқаро молиявий марказ" тушунчасига берилган таърифлар, уларнинг моҳияти, сиёсий барқарор, қулай иқтисодий географик ҳудудлар бўлган молиявий марказларга хос хусусиятлар, мамлакатларнинг миллий молия тизимини ривожлантириш стратегияларида халқаро молиявий марказларни шакллантиришга доир вазифаларни белгиланиши, халқаро молиявий марказ статусини таъминлашнинг мажбурий шартлари аниқланган.

Шунингдек, Тошкент шаҳрининг яқин келажагида халқаро молиявий марказ сифатида шаклланиши учун зарур иқтисодий ва ҳуқуқий (маъмурий) шарт-

шароитлар, Ўзбекистон ҳудудлари кесимида Тошкент шаҳри молиявий салоҳияти бошқа ҳудудларга нисбатан устун ҳолатини асословчи далиллар, Тошкент шаҳрига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш борасида олиб борилаётган ишлар, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун Тошкент шаҳри туманларини ривожлантиришнинг устувор соҳалари, Тошкент шаҳрида халқаро молиявий марказни ташкил этишга хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилган лойиҳалар кўрсатилган.

Мазкур мақолада Тошкент шаҳрини минтақавий ислом молиявий марказига айлантириш имконияти, Тошкент шаҳри туманлари ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган Инвесторларни қўллаб-қувватлаш марказлари ва уларнинг айни пайтда бажараётган асосий вазифалари, Тошкент шаҳрини молиявий марказга айлантириш борасидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари келтирилган.

Тошкент халқаро молиявий маркази "Ўзэкспомарказ" ҳудудида барпо

этилиши ва унда фаолият юритадиган халқаро банклар, молиявий институтлар, юридик, консалтинг ва инвестицион компанияларга қулай шароитлар яратилиши, Тошкент халқаро молиявий марказини ташкил этиши лойиҳаси Британия тажрибаларига асосланганлиги, хусусан бу борада «The city UK» ташкилоти билан биргаликда республика идоралараро ишчи гуруҳ ташкил этилган ҳолда ишланаётганлиги, Тошкент халқаро молия маркази қурилишининг бошланғич ҳисоб-китоби ва ҳисоботлари ишлаб чиқилиб, тавсиялар тайёрланганлиги, ушбу марказ нафақат Ўзбекистон, балки минтақамиз учун Инвестициялар хабиға айланиши кўрсатилган.

**Abstract.** In the article, the instruction of the President of the Republic of Uzbekistan on the need to turn the city of Tashkent into a large international center that produces high-tech industrial products, provides banking, finance, insurance and other modern services is given.

The definitions given to the concept of "international financial center" in the scientific works of foreign and local researchers, their essence, the characteristics of financial centers that are politically stable, favorable economic geographical areas, the definition of tasks related to the formation of international financial centers in the development strategies of the national financial system of countries, ensuring the status of an international financial center mandatory conditions are defined.

Also, the necessary economic and legal (administrative) conditions for the formation of Tashkent as an international financial center in the near future, the evidence supporting the superiority of the financial potential of Tashkent in comparison to other

regions in the regions of Uzbekistan, the work being carried out to attract foreign investments to Tashkent. the priority areas of development of the districts of Tashkent city to attract foreign investments, the projects implemented with the participation of foreign investments in the establishment of an international financial center in Tashkent city are indicated.

This article presents the possibility of transforming the city of Tashkent into a regional Islamic financial center, the Investor Support Centers established under the administrations of the districts of Tashkent city and their main tasks at the moment, the existing problems of transforming the city of Tashkent into a financial center and their solutions.

The establishment of the Tashkent international financial center in the territory of "O'zeksposmarkaz" and the creation of favorable conditions for international banks, financial institutions, legal, consulting and investment companies operating there, the project of establishing the Tashkent international financial center is based on British experiences, in particular the organization "The city UK" It is shown that an inter-departmental working group of the Republic is being organized, the initial calculation and reports of the construction of the Tashkent International Financial Center have been developed and recommendations have been prepared, and this center will become an investment hub not only for Uzbekistan, but also for our region.

**Калит сўзлар.** молиявий марказ, бизнес учун имкониятлар шаҳри, ақлли шаҳар, минтақавий инвестициялар маркази, билим ва инновациялар, рақамли пойтахт

**Key words.** financial center, city of opportunities for business, smart city, regional investment center, knowledge and innovation, digital capital

**Кириш.** Халқаро молиявий марказлар (ХММ) - дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақаларидан капитални жалб қилиш, жаҳондаги пул оқимлари ва молиявий активларни бошқариш марказларидир. Улар пул муомаласида ўзига хос захира марказлари ва маблағларни ўзига тортувчи ҳамда улар билан бошқа жойларни таъминловчи муҳим ҳудудлар ролини ўйнайди. Шу билан бирга, ХММ янги молиявий воситалар яратилишини ва молиявий активлар таркибини ўзгаришини таъминлайди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим йўналишларни кўрсатиб ўтган эди. Бунда Тошкент шаҳрини йирик ишбилармонлик ва молия марказига айлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидланди. Хусусан:

- Бугунги глобаллашув даврида иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб этиб, бизнес учун қулай шароитлар яратиб бераётган шаҳарлар жадал ривожланмоқда. Тошкент шаҳрини юқори технологик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, банк, молия, суғурта ва бошқа замонавий хизматлар кўрсатадиган йирик халқаро марказга айлантиришимиз зарур. Шаҳар атрофи саноат зоналари, шаҳар ичи эса инновацион ҳудуд бўлиши керак, - деди Шавкат Мирзиёев [17]. Шундай экан, Тошкент шаҳрини халқаро молиявий марказга айлантириш шарт-шароитлари ва имкониятлари таҳлил қилиш, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсифлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

**Материал ва метод.** Мавзунинг илмий ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этиш жараёнида индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, статистик таҳлил ва илмий абстракция каби усуллари атрофлича фойдаланилган. Мақолада, илмий абстракция усулидан фойдаланиш замирида мамлакатда Тошкент халқаро молиявий марказини шакллантириш юзасидан хулосалар чиқарилди ва хулосаларга мос равишда илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилди.

Хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишларида "халқаро молиявий марказ" тушунчасига тегишли турли назарий қарашлар мавжуд.

Бизнес лугатида халқаро молиявий марказларга қуйидагича таъриф берилади: кўплаб халқаро ва ички савдо операциялари амалга ошириладиган, юқори даражада ривожланган бизнес ва алоқа инфратузилмасига эга бўлган, кўплаб молия институтларининг тўпланиши билан фарқланадиган шаҳар ёки унинг туманидир [2].

Халқаро ҳисоб-китоблар банки (BIS) халқаро молиявий марказни банк фаолияти жамланган жаҳондаги тармоқ марказ сифатида изоҳлайди [3].

Гонконг Монетар органи бу атамани бошқача талқинини беради, яъни халқаро молиявий марказ бу кучли рақобат шароитида бутун дунёдаги молиявий институтлар молиявий воситачиликни амалга ошириш учун бирлашадиган жой (масалан, жамғармаларни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга инвестиция сифатида йўналтириш) [4].

АҚШнинг Чикаго шаттидаги Лойола университети профессори ва Чикаго Федерал резерв банкининг маслаҳатчиси Джорджа Кауфманнинг сўзларига кўра, халқаро молиявий марказлар халқаро миқёсда молиявий воситачиликни амалга ошириш учун

молиявий институтлар бирлашадиган макондир [5].

Гонконг университетининг Осиё глобал институтида хизмат кўрсатган илмий ходим, Гонконг фьючерс ва қимматли қоғозлар комиссияси раиси лавозимида ишлаган Эндрю Шэннинг фикрига кўра, халқаро молиявий марказлар турли активлар бўйича битимларни амалга оширишда қатнашувчи жаҳон молия бозоридаги йирик субъект сифатида ўз ўрнига эгадир [6].

Айни пайтда, Джеймс Хайнс [7], Аттия Варис [8], Джаред Маранга [9] ва бошқа олимларнинг фикрича, халқаро молиявий марказлар “оффшор марказ” атамаси билан синоним деган фикрга келишган. Бунда, оффшор марказ паст солиқ ставкалари ва инвесторлар учун жозибador қиладиган бир қатор атрибутларга эга бўлган мамлакат ёки худуд сифатида тушунилади.

Илмий адабиётларда “халқаро молиявий марказ” тушунчасининг қуйидаги талқинлари устунлик қилади.

Россия Федерациясининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясида халқаро молиявий марказлар тушунчаси инвесторларни ва капитални жалб қилишга муҳтож ташкилотлар ва ўз маблағларини жойлаштиришга интилаётган инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, у кўплаб мамлакатлардан иштирокчиларни қамраб олади деб изоҳланган [10].

Россия Федерациясида халқаро молия марказини яратиш концепциясида халқаро молиявий марказ сифатида хужжатларида белгиланган жой бўйича мамлакатдан ташқаридаги мижозларга қаратилган, барча учун очиқ марказ тушинилиши кўрсатилган [11]. Ушбу марказда хорижий инвесторлар,

воситачилар, капитал, активлар ва молиявий инструментлар қатта аҳамиятга эга бўлади.

Ю.А. Даниловнинг фикрича, халқаро молиявий марказлар бу глобаллашув даврига хос миллий молия бозорининг глобал капитал бозорининг ажралмас қисми сифатида фаолият кўрсатиш шаклидир [12].

Л.Н.Красавина фикрича, жаҳон молиявий марказлари бу халқаро молиявий оқимлар ва йирик ҳажмдаги операцияларнинг нисбатан фойдали бўлган соҳалар бўйича тақсимооти натижасида маълум бир жойда тўпланиши, ёки марказлашувини англатади. Тарихан, улар миллий бозорлар негизида, кейинчалик жаҳоннинг валюта, кредит, фонд ва олтин бозорлари асосида пайдо бўлган. Шунинг учун, жаҳон молиявий марказлари таркибида молия бозорининг барча секторлари жойлашган [13].

Бошқа томондан, Г.А. Тосуняннинг фикрича, бу йирик халқаро капиталлар тўпланадиган ва турли халқаро молиявий операцияларни кенг микёсда ўтказиладиган марказдир [14].

Энди, ўзбек олимларнинг халқаро молиявий марказлар тушунчасини аниқлаштиришга нисбатан қарашларини кўриб чиқамиз.

Н.Каримов, ҳозирги даврда халқаро фонд биржалари хорижий инвестицияларни жалб этиш ва молиялаштиришнинг асосий марказларига айланганини ўз илмий тадқиқотларида таъкидлаган. [15].

Лондон, Нью-Йорк, Токио ва Сингапур битимлар ҳажми бўйича пасайиб бориш тартибига кўра валюта савдосининг асосий марказлари ҳисобланади – деб таъкидланган А.В.Ваҳобов ва Т.С.Расулов илмий ишларида. Уларнинг фикрича, Лондон

муҳим молиявий марказ сифатида бутун бозорнинг учдан бир қисмини эгаллайди, катта марказлар, шунингдек, бошқа мамлакатларда ҳам жойлашган, масалан Германияда, Швейцарияда, Гонконг (Сянган)да ва Францияда[16].

Фикримизча, молиявий марказлар шундай сиёсий барқарор, қулай иқтисодий географик ҳудудларки, уларга қуйидаги хусусиятлар хос бўлади.

Биринчидан, молия бозоридаги талабни юзага келтирадиган капитални бир жойда жамлаш.

Иккинчидан, молия бозоридаги воситачилар томонидан тақдим этиладиган хизматлар, яъни таклифининг энг самарали механизми ва усуларини ўзида намоён этган молиявий (инвестор маблағларини тақсимловчи) воситалар мажмуини яратиш.

Учинчидан, молиявий капитал ҳаракати йўналишини ўзгартириш ва унинг устидан назоратни амалга ошириш, натижада молия тизимини ислоҳ қилиш имконига эга бўлиш.

Тўртинчидан, унда энг замонавий ахборот технологиялари асосида жиҳозланган самарали молиявий инфратузилманинг мавжудлиги.

**Натижалар.** Тадқиқотларимиз кўрсатишича, халқаро молиявий марказ статусини таъминлашнинг мажбурий шартлари қуйидагилардан иборат:

- назорат, ликвидлик, муддат, фойда, риск, харажат нуқтаи-назаридан инвесторлар ва реципиентлар капиталининг турли-туман вариантларини таъминлаш имконини берадиган молия бозори воситаларининг кенг қўлами;

- бутун дунёдан инвесторларнинг кенг доирасини жалб этиш учун ички шунингдек ташқи секторларда

операцияларни амалга оширишнинг қулайлиги;

- ривожланган кредит тизимининг мавжудлиги;

- самарали, замонавий, янги технологиялар асосида фаолият юритувчи фонд бижасининг мавжудлиги;

- солиққа тортиш тизимининг қулайлиги;

- чет эллик инвестор ва эмитентларга, шу жумладан қарз берувчи ва олувчиларга маҳаллий бозорга кириш ва хорижий қимматли қоғозларни биржа котировкаларига қўйиш учун валюта қонунчилигининг қулайлиги;

- самарали тартибга солиш, ҳуқуқларни қўлланилиши, мулк ҳуқуқини тўлиқ ва аниқ ҳимояси бўйича ҳуқуқий тизимнинг ривожланганлиги;

- бозор иштирокчилари ишончини оқлайдиган мустаҳкам ва адолатли суд тизимининг мавжудлиги;

- қулай географик жойлашув;

- жаҳон хўжалик тизимида мамлакатнинг муҳим ўрин тутиши;

- мамлакатда валюта молиявий ҳолатнинг мустаҳкамлиги, хорижий инвесторлар ишончини оқлайдиган барқарор валюта билан таъминланганлик;

- самарали халқаро алоқалар тизимининг мавжудлиги;

- молия институтларида, инфратузилмавий ва маслаҳат берувчи ташкилотларда, шунингдек тартибга солувчи органларда самарали иш фаолиятини олиб борадиган малакалли кадрларнинг мавжудлиги.

Ўзбекистон ҳудудлари кесимида Тошкент шаҳри молиявий салоҳияти бошқа ҳудудларга нисбатан устун ҳолатга эга (1-жадвалга қаранг). Шунинг учун Ўзбекистонда молиявий марказни Тошкент шаҳрида шакллантириш лозим.

Хусусан, Тошкент шаҳрига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш



борасида қатор ишлар олиб борилмоқда, яъни инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун Тошкент шаҳри туманларини ривожлантиришнинг устувор соҳалари белгиланиб, Тошкент шаҳрида халқаро молиявий марказни ташкил этишга тегишли равишда хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилган лойиҳалар мавжуд. (2, 3-жадвалларга қаранг).

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» АТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда хорижий инвесторларга, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қўмаклашиш учун 2019 йилнинг 1 февралидан Тошкент шаҳри туманлари ҳокимликлари ҳузурида Инвесторларни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этилган. Ушбу марказларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- инвесторларга туманларнинг салоҳияти, туман ҳокимликлари томонидан тайёрланган аниқ инвестиция таклифлари, мавжуд имтиёз ва преференциялар тўғрисида батафсил маълумотларни олишда қўмаклашиш;

- инвесторларни бўш турган давлат мулки объектлар ва фойдаланилмаётган ер участкалари, шунингдек, уларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш;

- инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишда инвесторларга маслаҳатлар бериш, шу жумладан уларга консалтинг хизматлари (лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ва бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш) кўрсатиш;

- давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, тижорат банклари вакиллари иштирокида туманларнинг инвестиция имкониятлари масалалари бўйича тадбир ва учрашувлар ташкил этиш;

- хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда, шу жумладан бўш турган, фойдаланилмаётган объектлар ва ер участкалари негизида лойиҳаларни амалга ошириш учун салоҳиятли маҳаллий шерикларни топиш;

- инвесторларга муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, рухсат берувчи ҳужжатлар, шу жумладан қурилиш ишларини амалга оширишга рухсат беришга доир ҳужжатларни олишда қўмаклашиш;

- лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга оширишда юзага келадиган муаммоларни тезкор ҳал қилиш, шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этиладиган корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатишига ёрдам бериш;

- хорижда ўтказиладиган халқаро инвестиция ва бизнес-форумлар учун материаллар, видеороликлар, инвестиция таклифлари ва тақдимотлар тайёрлашда иштирок этиш.

**Мунозара.** Оммавий ахборот келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, “Ўзэкспомарказ” ҳудудида Тошкент халқаро молиявий маркази барпо этилади ва унда фаолият юритадиган халқаро банklar, молиявий институтлар, юридик, консалтинг ва инвестицион компанияларга қулай шароитлар яратилади. Ушбу марказ нафақат Ўзбекистон, балки минтақамиз учун Инвестициялар хабиға айланади [18] [19].

Мазкур лойиҳанинг композицияси Британия тажрибаларидан келиб чиқиб яратилиши ҳамда лойиҳа амалиётига аллақачон старт берилгани оммавий ахборотларда эълон қилинган [20].

1-жадвал

Ўзбекистон ҳудудлари кесимида Тошкент шаҳри молиявий салоҳиятининг қиёсий ҳолати

№	Худудлар	Маҳаллий бюджетлар ижроси [21] (млрд. сўмда, 2020 йил бўйича)		Тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар (Д) ва кредитлар (К) [22] (млрд. сўмда, 2020 йил бўйича)		АЖЛар сони (1) ва чиқарилган акцияларнинг жами ҳажми (2, млрд. сўмда) (22.10.2021 йил ҳолатига) [23]		Суғурта премиялари ҳажми, млрд. сўмда, 2019 йил ҳолатига [24]	Чет эл инвестициялар и ҳажми, млрд. сўмда, 2021 йил ҳолатига [25]
		даромад	харажат	Д	К	1	2		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2 743,90	3 542,00	38 986,10	4 189,60	20,00	173,43	48,70	3 009,80
2	Андижон вилояти	2 105,90	3 708,00	65 442,50	7 012,40	36,00	917,91	82,30	5 950,40
3	Бухоро вилояти	1 782,90	3 103,50	51 311,70	6 905,10	35,00	205,67	80,60	11 397,40
4	Жиззах вилояти	1 058,00	2 057,70	23 702,10	5 361,70	17,00	481,68	59,00	3 821,90
5	Қашқадарё вилояти	2 468,80	4 603,20	55 408,20	6 557,90	43,00	2 938,19	76,80	9 069,80
6	Навоий вилояти	1 540,90	1 818,20	91 537,80	4 508,70	18,00	2 534,88	69,30	9 818,10
7	Наманган вилояти	1 763,00	3 776,90	51 181,80	5 335,60	21,00	298,69	92,20	4 336,60
8	Самарқанд вилояти	2 385,60	3 811,60	93 921,20	6 851,50	30,00	625,13	82,80	5 635,90
9	Сурхондарё вилояти	1 605,70	3 246,60	35 068,90	5 314,50	22,00	293,17	62,80	4 995,00
10	Сирдарё вилояти	716,50	2 375,60	23 883,60	4 341,50	17,00	289,46	40,80	4 937,40
11	Тошкент вилояти	2 395,50	3 386,80	113 049,30	8 134,80	50,00	2 415,39	170,40	10 516,90
12	Фарғона вилояти	2 677,30	4 132,10	92 547,90	7 944,50	44,00	1 282,01	124,00	5 129,50
13	Хоразм вилояти	1 302,70	2 278,90	38 088,80	5 272,10	29,00	289,74	68,60	2 994,50
14	Тошкент шаҳри	3 156,30	5 349,70	1 336 030,20	49 477,80	221,00	134 786,88	1 255,50	22 814,10
	<b>Жами</b>	<b>27 703,00</b>	<b>47 190,80</b>	<b>2 110 160,10</b>	<b>127 207,70</b>	<b>603,00</b>	<b>147 532,23</b>	<b>2 313,90</b>	<b>104 599,00</b>

2-жадвал

Тошкент шаҳрида халқаро молиявий марказни ташкил этишга тегишли равишда хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилган лойиҳалар рўйхати [1]

№	Шаҳардаги туманлар номи	Ташаббускорлар	Лойиҳа номи	Лойиҳа йўналиши	Лойиҳаларнинг умумий қиймати (млн. сўм)	шу жумладан, молиялаштириш манбалари	
						ўз маблағлари (млн. сўм)	хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)
1.	Олмазор тумани	“NapaTeam” МЧЖ	Технопарк ИТ қурилиши	Хизмат кўрсатиш	83 000		10,0
2.	Олмазор тумани	“Deutsche Kabel” ҚК	Оптик тола ишлаб чиқариш	Саноат	59 760		7,2
3.	Миробод тумани	“Unitel” МЧЖ	Алоқа тизимини модернизациялаш	Хизмат кўрсатиш	454 000		54,7
4.	М. Улуғбек тумани	“Fininvest foundation” (Гонконг), “Kentkart” (Туркия) ва “Тошшаҳартранс-хизмат” АЖ компаниялар консорциуми	“Тошшаҳартрансхизмат” АЖда ТБАТ (Транспортни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими) ва ЙТАТ (йўл ҳақи тўлашни автоматлаштирилган тизими) тизимларини тўлиқ жорий этиш	Хизмат кўрсатиш	415 000		50,0
5.	Учтепа тумани	“Империл Жеверли Инк”, “Olef Creations Inc.” ва “Richline Group” (АҚШ) компаниялари	Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш	Саноат	166 000		20,0
6.	Юнусобод тумани	“Creative Project LLC” МЧЖ	Бизнес маркази қурилиши	Хизмат кўрсатиш	166 000		20,0
7.	Яшнабод тумани	“Perso byuro Markazi” МЧЖ ҚК	Банк пластик карталарини ишлаб чиқариш	Саноат	175 500	9 500	20,0



**Инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун  
Тошкент шаҳри туманларини ривожлантиришнинг устувор соҳалари [1]**

№	Шаҳардаги туманлар номи	Устувор соҳалар
1.	Олмазор тумани	Таълим ва тиббий хизматлар соҳасидаги лойиҳалар. Олмазор кичик саноат зонасида лойиҳаларни амалга ошириш
2.	Бектемир тумани	Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳалар. Бектемир кичик саноат зонасида лойиҳаларни амалга ошириш.
3.	Мирзо Улуғбек тумани	Фан, таълим, инновациялар ва АКТ соҳасидаги лойиҳалар. Мирзо Улуғбек кичик саноат зонасида лойиҳаларни амалга ошириш.
4.	Миробод тумани	Хизматлар ва туризм соҳасидаги лойиҳалар.
5.	Сергели тумани	Ишлаб чиқариш, уй-жой қурилиши соҳасидаги лойиҳалар. “САР” (Махсус авиация ишлари) саноат технопарки ва Сергели кичик саноат зонасида лойиҳаларни амалга ошириш.
6.	Учтепа тумани	Тўқимачилик ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳалар. "Учтепа" кичик саноат зонасида лойиҳаларни амалга ошириш.
7.	Чилонзор тумани	Уй-жой қурилиши, савдо ва ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳалар. Чилонзор кичик саноат зонасида лойиҳаларни амалга ошириш.
8.	Шайхонтоҳур вилояти	Қурилиш материаллари, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳалар.
9.	Юнусобод тумани	Хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасидаги лойиҳалар, бизнес марказларини яратиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш. Юнусобод кичик саноат зонасида лойиҳаларни амалга ошириш.
10.	Яшнобод тумани	Яшнобод технопаркида лойиҳаларни амалга ошириш..
11.	Яккасарой тумани	Хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасидаги лойиҳалар. Яккасарой кичик саноат зонасида лойиҳаларни амалга ошириш.

Маълумотларга қараганда, дастлабки натижалар ишчи гуруҳ томонидан «The city UK» билан биргаликда Тошкент халқаро молия маркази қурилишининг бошланғич ҳисоб-китоби ва ҳисоботи тавсиялари ишлаб чиқилиб, 2020 йилда керакли жойга тақдим қилинган. 2020 йил декабрь ойида эса Британия ҳукумати молия марказини ташкил этиш концепциясини ўрганишнинг 2-фазасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўмақ қабул қилинган.

Лойиҳа концепцияси ишчи гуруҳ томонидан «The city UK» ишчи гуруҳлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Лойиҳанинг мазмуни умумий ҳуқуқларга таянган дунёнинг кўплаб молиявий марказларида қўлланувчи, халқаро қоида ва стандартларни эътиборга олган ҳолда фаолият юритишнинг зарур инфратузилмаси ҳамда ўзига хос

молиявий ҳуқуқий экотизимини шакллантиришнинг оптимал моделларини аниқлашдан иборат. Марказ лойиҳасининг ташкил этилиши концепциясини ўрганиш натижасининг 2-фазаси доирасида лойиҳанинг техник иқтисодий ҳисоб-китоби асослари ишланиши белгиланган.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлганлиги ва улар сон жиҳатдан МДХ мамлакатлари орасида етакчи эканлигини ҳисобга олган ҳолда ислом молиявий воситаларини амалиётга кенг жорий этиш билан, Тошкент шаҳрини минтақавий ислом молиявий марказига айлантириш имконияти кўпроқдир. бунда, бизнингча Малайзия давлати тажрибасидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Малайзия ислом тараққиёти

департаменти (ЖАКИМ) ва "Ўзстандарт" агентлиги ҳамкорлигида Ўзбекистонда ҳалол маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича илғор тажриба Марказини ташкил этиш режалари муҳокама қилинди. Марказнинг ташкил этилиши Республикада Малайзиянинг илғор тажрибаси асосида ҳалол маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий этишга, шунингдек, ўзбек экспорт қилувчиларига Жанубий – Шарқий Осиё ва Яқин Шарқ бозорларига ҳамда ишлаб чиқарувчилар мазкур сертификатга эга бўлишлари мажбурий бўлган бошқа мамлакатларнинг бозорларига чиқиш имконини беради.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, Халқаро молия марказининг ўзига хос хусусияти молиявий хизматларнинг ЯИМдаги улуши 10 фоизгача етиши керак. Мамлакатимизда эса, бу кўрсаткич ҳисоби белгиланмаган, бу эса умумтан олинган чегара билан баҳолаш имконини бермайди. Z/Yen Group консалтинг компанияси ҳисоботида кўра, Тошкент шаҳри жаҳон молия марказлари рейтингда баҳоланмасдан келинмоқда.

Бироқ, фақат молия секторининг ўзини кенгайтириш ҳақида гапириб бўлмайди. Зеро, муҳокама қилинган муаммоларни ҳал қилиш учун ялпи ички маҳсулотнинг ўзини жиддий равишда ошириш зарур, бу эса молиявий хизматлар соҳасида янада жиддий ўсишга олиб келади. Бу ҳар томонлама мулоҳаза юритишни ва эҳтиёткорлик билан ёндашишни, халқаро молиявий марказни яратиш мамлакатимизга берадиган имкониятларни (ҳам молиявий, ҳам моддий) ва имтиёзларни таққослашни талаб қиладиган мураккаб вазифадир. Шунинг учун, дастлаб мамлакатимизда Тошкент шаҳрини кўпроқ шарт-шароитлар мавжудлиги сабабли МДХ доирасида минтақавий молия марказига

айланиш, кейин эса халқаро молиявий марказни шакллантириш лозим деб ҳисоблаймиз.

**Хулоса.** Тошкент шаҳрида халқаро молиявий марказни шакллантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. "Тошкент" РФБда рўйхатга олинган корхоналарнинг капиталлашув ҳажмини қимматли қоғозларнинг савдо ҳажми ва ликвидлиги билан боғлиқ ҳолда ошириш, хорижий эмитентлар ўз қимматли қоғозларини Ўзбекистон фонд биржасида муомаласини йўлга қўйишларига эришиш;

2. Марказни ривожланишини қўллаб-қувватловчи солиқ имтиёзларининг ҳуқуқий ва меъёрий базасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш (солиқ ставкаларига, ҚҚС операцияларини, имтиёзли, икки томонлама солиққа тортиш амалиётларига ва бошқаларга);

3. Иқтисодийнинг банк секторида кредит рискларини камайтириш, ўрта муддатли ва узоқ муддатли пасивлар тақчиллиги бартараф этиш; хусусий миллий банк тизимига инвесторларнинг ишонч даражасини кўпайтириш, инвестиция жозибadorлигини ошириш;

4. Шаҳарда тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш чораларини кўриш. Тижорат ва турар-жой кўчмас мулкларини замонавий ва сифатли бўлишини таъминлаш. Ижтимоий маданиятни, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини, маиший даражада кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш лозим.

5. Мамлакатимизнинг ҳуқуқий ва меъёрий базасида ипотека билан таъминланган қимматли қоғозларнинг инвесторлар учун муомаласини барқарор ҳолатда, мазкур турдаги операциялар билан шуғулланувчи институтлар

банкротлигидан химояланиш  
механизмлари билан йўлга қўйиш  
лозим. Бу эса, хорижий  
инвесторларнинг узок муддатли  
ресурсларини молия бозорига жалб этиш  
имкониятини беради.

6. Умумтан олинган халқаро  
стандартларни амалиётга параллел

равишда қўллашга эришиш, ёки миллий  
стандартларни халқаро стандартларга  
тўлиқ мослигини таъминлаш  
(бухгалтерия ҳисоби қоидаларида, ҳисоб-  
китобларни амалга оширишда, савдога  
киришиш амалиётида ва бошқаларда).

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 январдаги 4-сонли “Тошкент шаҳрини инфратузилмавий ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, <https://lex.uz/docs/4138928>
2. Solovjova I., Rupeika-Apoga R., Romānova I. Competitiveness Enhancement of International Financial Centres / I. Solovjova, R. Rupeika-Apoga, I. Romānova // European Research Studies Journal. – 2018. – Vol. XXI, 1. – P. 7.
3. Bank for International Settlements. International Banking and Financial Market Development // BIS Quarterly Review. – December 2017. – P. 33.
4. Hong Kong Monetary Authority. Financial infrastructure in Hong Kong / HKMA // HKMA Background Brief. – 2016. – No. 4. – P. 46.
5. Kaufman G. Emerging Economies and International Financial Centers / G. Kaufman // Review of Pacific Basin Financial Markets and Policies. – 2021. – Vol. 4, 4. – P. 365-377.
6. Sheng A. The Development of Global Financial Centres / A. Sheng. – Johor Bahru: University of Malaya, 2016. – URL: [http://www.ammannato.it/ppttube/presentations/fin\\_gfm6.ppt](http://www.ammannato.it/ppttube/presentations/fin_gfm6.ppt)
7. Hines J. International Financial Centers and the World Economy. Step Report 2009 / J. Hines. – London: Society of Trust and Estate Practitioners, 2019. – P. 3
8. Waris A. Tax Haven or International Financial Centre? The Case of Kenya / A. Waris. – Bergen: Chr. Michelsen Institute, 2014. – P. 2.
9. Mwanyumba R., Maranga J., Magare M. A Review of the Nairobi International Financial Centre. Nairobi International Financial Centre or Nairobi Tax Haven? / R. Mwanyumba, J. Maranga, M. Magare. – Vienna: Vienna Institute for International Dialogue and Cooperation, 2017. – P. 7.
10. Концепция долгосрочного социально-экономического развития Российской Федерации на период до 2020 года (утверждена распоряжением Правительства Российской Федерации от 17.11.2008 № 1662-р) (ред. от 28.09.2018)
11. Концепция создания международного финансового центра в Российской Федерации. – С. 7.
12. Данилов Ю. А. Перспективы формирования в России международного финансового центра / Ю. А. Данилов // Перспективные стратегии банков в 2021-2022 гг.: материалы Всероссийской конференции.
13. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. / Под ред. Л.Н. Красавиной. - 5-е изд., перераб. и доп. – М.:Юрайт, 2020. - 534 с: ил. С. 270.



14. Тосунян Г. А. России – финансовый центр мирового уровня / Г. А. Тосунян // Банковское дело. – 2018. – № 5. – С. 44.
15. Н.Ф.Каримов. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестициялар фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. Монография. – Т.: "Fan va texnologiya", 2017. 204 б. Б. 215.
16. А.В.Ваҳобов, Т.С.Расулов. Валюта муносабатлари назарияси. – Т.: "Fan va texnologiya", 2015. 280 б. Б. 68.
17. Тошкент ишбилармонлик марказига айлантирилади. 21.12.2018 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/2209>
18. Тошкент халқаро молиявий маркази барпо этилади. 13:06 / 19.10.2021йил. <https://aniq.uz/yangiliklar/toshkent-xalqaro-moliyaviy-markazi-barpo-etiladi> ;
19. Тошкент халқаро молиявий маркази барпо этилади. 12:54 / 19.10.2021 йил. <https://kun.uz/news/2021/10/19/toshkent-xalqaro-moliyaviy-markazi-barpo-etiladi>
20. Тошкент шаҳрида халқаро молия маркази қурилади. 08:13 | 18-03-2021 йил. <https://bugun.uz/2021/03/18/toshkent-shahrida-halqaro-moliya-markazi-quriladi>
21. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2020 йил ижроси. (<https://mf.uz/>)
22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2021 йил 1 ярим йиллик бўйича Статистик бюллетени. <https://cbu.uz/uz/statistics/buletten/546404/>
23. АЖлар сони ва чиқарилган акцияларнинг жами ҳажми тўғрисидаги маълумотлар. (<http://www.deponet.uz/>)
24. Сведения по сбору страховых премий в разрезе регионов (по итогам 2019 года). (<https://mf.uz>)
25. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳажми (<https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments>) маълумотлари асосида жамига нисбатан фоиз орқали чиқарилган муаллиф ҳисоб-китоби.